

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусахҳих: Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-үй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишига руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-үй.

Фарғона,
2021.

М.Исамиддинов

Қадимги Фарғона ва Суғд кулолчилигини ўрганишнинг айрим долзарб масалаларига доир 72

Б.Усмонов

Фарғона водийси Темурийлар даври тарихининг жаҳон темуршунослигига ўрганиши 77

Лианг Юн, Н.Камбаров

Қанғ маданияти ҳақида хитойлик олимларнинг фикрлари 81

О.Пуговкина

Туркистонда 1917 йил февраль инқилоби: Туркистонда "собиқ" империя амалдорларига бўлган ижтимоий эҳтиёж ва уларнинг сиёсий фаоллиги 90

А.Ўткиров

Хайрия ва ҳомийлик феномени илмий-назарий таҳлили 98

С.Хакимова

XIX-XX аср боши тарихий манбаларида Ўзбекистон ҳудудидаги сув ҳавзаларига оид маълумотлар 103

С.Анаркулов

Тошкент вилояти саноат шаҳарлари аҳолисининг этник тарихи ва таркиби ҳусусида 110

АДАБИЁТШУНОСЛИК

З.Қобилова, Н.Турсунова

Татаббулар силсиласи 118

П.Туропова

Услуб жилолари ёхуд адаб маҳорати 123

Д.Гуломов

Ретроспектив сюжет ҳусусида айрим мулоҳазалар 128

М.Махмудова

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳукмронлиги даврида сув иншоотлари ва боғдорчилик санъати 134

ТИЛШУНОСЛИК

Р.Сайфуллаева, Н.Ғайбуллаева

Тиббий эвфемизмларнинг социал ҳосланиши 138

Т.Эназаров, С.Ғаниева

Инглиз ва ўзбек тиллардаги аёллар исмларининг келиб чиқиши тарихидан 145

М.Мамажонов

Антропонимларни дискурс релевантси сифатида тадқиқ этишнинг лингво-этномаданий асослари 150

Ж.Абдуллаев

Тил қурилишининг асосий бирликлари академик Азим Ҳожиев талқинида 155

Д.Собирова

Ўзбек болалар шеърияти морфопоэтикаси 160

Д.Шокирова, Ш.Шокиров

Инглиз тилида "property-мулк" концепти тадқиқи 164

Н.Абдурахмонова

Ўзбек тили электрон корпуси учун матнлар репрезентативлиги масаласи 169

А.Мусоева

Cefr-нинг Ўзбекистон таълим тизимида жорий этилиши билан боғлиқ муаммолар 174

УДК: 950(575.1)

**ХАЙРИЯ ВА ҲОМИЙЛИК ФЕНОМЕНИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ (БУХОРО
АМИРЛАРИ МИСОЛИДА)
НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ФЕНОМЕНА БЛАГОТВОРИТЕЛЬНОСТИ И
СПОНСОРСТВА
(НА ПРИМЕРЕ ЭМИРОВ БУХАРЫ)
SCIENTIFIC AND THEORETICAL ANALYSIS OF THE PHENOMENON OF CHARITY
AND SPONSORSHIP
(ON THE EXAMPLE OF THE EMIRS OF BUKHARA)**

Ўткиров Абдулазизбек Фахриддин ўғли¹

Ўткиров Абдулазизбек Фахриддин ўғли

- Тошкент давлат педагогика университети,
тарих факультети талабаси.

Аннотация

Мақолада хайрия ва ҳомийлик қадриятларининг юртимиз тарихидаги ўрни ва аҳамияти, унинг шаклланиш босқичлари, шунингдек, XVIII аср ўрталари XX асрнинг биринчи ярмида ҳукмронлик қўлган Бухоро амирларининг хайрия, ҳомийлик ҳамда меценатлик каби инсоний фазилатларга қай даражада эътибор берганлар ёа уларнинг сиёсатида ушбу феноменларнинг ўрни ва аҳамияти қай даражада бўлгани илмий-назарий таҳлил қилинган. Шунингдек, Бухоро амирларининг Россия империясининг бошқа ҳудудларида амалга оширган хайрия ва ҳомийлик ишлари ҳам ёритилган.

Annotation

В статье проведен научно-теоретический анализ места и значения благотворительности и спонсорства в истории нашей страны, этапов ее становления, а также того, в какой степени бухарские эмиры, правившие в середине 18-го-первой половине 20-го веков, уделяли внимание таким человеческим качествам, как благотворительность, спонсорство и меценатство, и каковы роль и значение этих явлений в их политике. Также была освещена благотворительная и спонсорская деятельность бухарских эмиров в других регионах Российской империи.

Annotation

The scientific-theoretical analysis of the role and importance of the values of charity and sponsorship in the history of our country, its formation stages, as well as the extent to which the Emirs of Bukhara, who ruled in the first half of the mid-18th century, paid attention to such human qualities as charity, sponsorship and patronage, and the role of has been illustrated in the article. The charity and sponsorship carried out by the emirs of Bukhara in other regions of the Russian Empire has also been shown.

Таянч сўз ва иборалар: Авесто, Бухоро амирлари, Мангитлар сулоласи, ижтимоий сиёсат, хайрия ва ҳомийлик, меценатлик, Аҳмад Дониш, Амир Насрулло, Амир Шоҳмурод, Амир Ҳайдар, Амир Музаффарииддин, Амир Абдулаҳадҳон, Амир Олимхон, Крым, Ялта.

Ключевые слова и выражения: Авеста, эмиры Бухары, династия мангытов, социальная политика, благотворительность и спонсорство, меценатство, Аҳмад Дониш, Амир Насрулло, Амир Шоҳмурад, Амир Ҳайдар, Амир Музаффарииддин, Амир Абдулаҳадҳон, Амир Алимхан, Крым, Ялта.

Key words and expressions: Avesto, Emirs of Bukhara, Mangit dynasty, social policy, charity and sponsorship, patronage, Ahmed Donish, Emir Nasrullo, Emir Shahmurod, Emir Haydar, Emir Muzafariddin, Emir Abdulahadhon, Emir Alimkhon, Crimea, Yalta.

Ўзбекистонда миллий қадриятлар ҳисобланган хайрия ва ҳомийлик феноменига бўлган муносабат тубдан ўзгариб, жамиятда саховатпешалик муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш борасида давлат томонидан кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишининг турмуш тарзи, фаровонлигини оширишда хайрия ва ҳомийликни ривожлантириш бўйича устувор вазифаларнинг белгилаб

берилиши билан бирга [1,64] – "...аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-куватлаш, кексаларни эъзозлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, ...асосий мақсадларимиздан бири..."[2,24] га айланиб бормоқда.

Бу борада ўзгаришлар кутилаётган хайрия ва ҳомийлик соҳасининг асл туб мазмун-моҳияти, унинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи ҳамда шу соҳадаги тадрижий ўзгаришлар фаолияти ва

ТАРИХ

аҳамиятини тарихийлик нуқтаи назардан ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Одамларга яхшилик қилиш, уларга ғамхўрлик қилиш ижтимоий сиёсат замонавий цивилизация феномени сифатида одамларнинг жамоавий тизимидан бошланган. Ибтидоий даврда алоҳида шахс фақат гуруҳ ичидаги омон қолиши мумкинлиги боис жамоавий курашда ёши катта ва кичик, жароҳатланган ҳамда касалларга ижтимоий ёрдам бериш анъаналари пайдо бўлган. Бу урф-одатлар асрлар давомида шаклланган бўлиб, улар диний таълимотларда акс эттирилган ва биринчи давлатларнинг пайдо бўлиши билан уларнинг ижтимоий сиёсатининг асосларига айланган. Ушбу сиёсат, асрлар давомида цивилизация жараёни доирасида ҳар бир давлатнинг иқтисодий ва бошқа имкониятларига мувофиқ шаклланган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, бизнинг эрамизгача бўлган даврларда ҳам Турон заминида ҳукм сурган сулолалар томонидан илмамърифат, кишиларига ғамхўрлик кўрсатиш, аҳолига ёрдам, имтиёзлар бериш, ҳар хил қулайликлар яратиш одат тусига айланган. Милоддан аввалги биринчи минг йиллиқда юртимизда мавжуд бўлган зардуштийликнинг муқаддас китоби –"Авесто"да кишилар бир-бири билан аҳил ва дўст бўлиб яшаши, қариялар, ота-оналарни тириклигида қадрлаши ва эъзозлаши лозимлиги ҳақида пурмаъно фикрлар илгари сурилган [3,67].

Ислом динини қабул қилиш ва унинг миллий тупроғимизда илдиз отиши билан раҳм-шафқат ва саҳоватпешалик каби анъанавий ва диний урф-одатлар пайдо бўлиб, ривожланишда давом этган. Масалан, Ибн Сино қарашларида унинг инсонпарварлиги, ўзгаларга меҳр-оқибат фазилатлари юқори баҳоланганд. У ўзининг "Тадбир-у манзил" асарида "хизматкорларни ўзингга яқин тут, уларни силтаб ташлама, уларнинг эҳтиёjlари тўғрисида ғамхўрлик қилгин, уларга нисбатан қаҳр-ғазабли бўлмагин, улар билан худди дўстлар билан бўладиган ҳақиқий муносабатда бўлгин, уларни баҳтсиз онларда ёлғиз қолдирма, чунки улар ҳам инсонлардир," [4,12], деб панд-

насиҳат орқали ўз ғояларини баён этган эди. Шунингдек, XI-XII асрларда бир кунда лоақал бир мискинга таом бермасдан, дастурхон бошига ўтирилмаган. Аҳмад Яссавий шундай дейди: "бир етимнинг бошини силаган кимса қиёматда дўзахга буюриладиган бўлса, унинг ўрнига менинг ўзим дўзахга тушаман" [3,67]. Алломалар сахийлик, **жавонмардлик** ҳақида сўз юритганларида, уларнинг яна бир жиҳатига эътибор берганлар. Яъни, саҳоватпешалик фақат давлатманд, мулқдор ва тижоратчи, мулк эгаси, умуман, бутун фуқароларга хос бўлибгина қолмасдан, биринчи ўринда, ҳукмдор ва подшоҳларнинг ҳам муҳим фазилати бўлиши керак, деган фикрни билдирганлар. Саҳоватпешалик, одамларга яхшилик қилиш анъанаси тарихимизнинг турли даврларида асосий эътиборга кўтарилиб, халқимиз, жамиятимиз фаолиятининг бир қисмига айланиб, ривожланиб келган.

Юртимиз тарихидан барчамизга аёнки, 1756-1920 йиллар Бухоро амирлиги ҳукмронлик даврига тўғри келади. Бухоро амирлари ҳам, улардан олдинги тарихий сулола вакиллари каби хайрия ва ҳомийлик, саҳоватпешалик каби инсоний фазилатларга катта эътибор қартишган. Масалан, Амири Маъсум (Бегуноҳ амир) номини олган амир Шоҳмурод (1785-1800) ўз ҳукмронлиги йилларида саройда камтарона яшаб, бир қанча солиқларни камайтирган, Бухоро аҳлига тархон ёрлигини бериб, баъзи тўловлардан озод қилган. Бундан ташқари, у оддий халқ учун сув иншоотларини яхшилаган [5,315]. Аҳмад Донишнинг ёзишича, Амир Шоҳмурод кунларнинг бирида хизматкорига муқаддас Рамазон ойи муносабати билан ифторликка байрам паловини қилишни буюради. Ифторликка яқин у хизматкорлардан бирига мадрасага пули йўқ, ночор талабаларни олиб келишни буюради, уларни олиб келишгандан сўнг амир: "Мана шу паловни енглар, ҳеч нарса қолмасин. Кейин давлат хазинасидан сизларга бир динордан бераман...", деб уларни рағбатлантирган экан [6,45]. Амир Шоҳмурод ҳукмронлик қилган даврда хайрия ва ҳомийлик ишлари кундалик

одат тусига кирган. Буларнинг барчаси амалдорлар орасида саховатпешалик каби инсонийлик фазилатларни ёйишга ва адолатли сиёсат юритиш орқали амалга оширилган. Амир Шоҳмуроддан сўнг тахтга ўтирган ўғли амир Ҳайдар даврида ҳам амир тинчлик бўлган вақтларда кўп вақтини олимлар ва зиёлилар билан ўтказиб, уларга кўп эътибор ажратган ҳамда ҳомийлик кўрсатган. Шунинг учун бойлик орттироқ илинжида айрим амирлар ва саркардалар атайлаб қўзғолон кўтариб, уни мадрасадан ташқарига олиб чиқишига ҳаракат қилишган. Шунингдек, кўп одам бошқаларнинг вилоятлардан келиб Бухорода ўқиш одат тусига кирган, чунки амир олимларга ва талабаларга ўз хисобидан ҳомийлик қилган [6,48-49]. Айнан ўша даврда Бухоро амирлиги қўшни давлатлар орасида илм марказига айланган. Аҳмад Донишнинг ёзишига қараганда, Амир Насрулло Амир Ҳайдарнинг ўғли, кўп вақтини уруш сафарларида ўтказишига қарамай, унинг ҳукмронлик даврида камбағаллар ва оддий фуқаролар тинчлик ва хавфсизликда эдилар ва ҳар доим мўлкүл фойда, арzonчилик ва фаровонлиқдан баҳраманд бўлишган [6,39-40]. Бухоро амири Музаффариддин отаси Амир Насруллодан сўнг, 1860 йилда тахтга ўтирган. Амир Музаффар ҳам чорак аср ҳукмронлиги мобайнида хайрия ва ҳомийлик ишларига катта эътибор қаратган. Масалан, Бухоро амири Музаффариддин 80 мулла учун 1000 танга инъом қилган [7], бундан ташқари, унинг ҳомийлиги остида 200 талаба таҳсил оладиган янги бир мадраса ташкил этилган [8]. 1885 йилда амир Музаффар оғир хасталиқдан сўнг вафот этган. Исмоил Гаспирали "Таржимон" газетасида марҳум амир ғоят хайр ва хайрот ишларни кўп қилгани ҳақида ёзган эди [9]. Амир Музаффардан сўнг унинг ўғли Абдулаҳадхон ҳам хайрия ва ҳомийликка ўзининг улкан ҳиссасини қўшди, десак муболага бўлмайди. Ҳусусан, 1897 йили Бухорода "Дар ал-ажизийн" (Меҳрибонлик уйи) ташкил этилган [3,54]. Ушбу жамият эса шахсан Бухоро амири Абдулаҳадхон томонидан

молиялаштирилган. Шунингдек, Бухоро амири Россиядаги муҳтоҷларга 100 минг рубл ҳадя қилиб, пулни муҳтоҷлар комиссиясига юборган [10]. Отаси амир Музаффар бир пайтлар Тошкентда маориф ишига 25 минг рубл ҳадя қилган, пул эса банкда туриб 52 минг рубл бўлган, кейинчалик пулга бир мактаб қурилиб, императорнинг кўрсатмаси билан амир Абдулаҳадхон ушбу мактабга ҳомий этиб тайинланган [11].

Амир Абдулаҳад бошқа давлатларга саёҳат қилишни ёқтирган ва бўлган жойларида ўзининг қилган хайриялари билан ажралиб турган. Масалан, Ялтада Амир Абдулаҳад ер майдони сотиб олиб, у ерда муҳташам бир бино қурдирган. Афсуски бу муҳташам бинонинг кўп қисми 1944-йилда немислар тарафидан йўқ қилинган. Амир бинони "Дилқисо" деб номлаган, бу таржимада "Ёқимли", деган маънени англатади [12]. Чиройли гумбазлар, миноралар ва айвонлардан иборат бино Ялтани ҳозирги кунда ҳам кўркамлаштириб туради.

Кримда амирнинг саховатпешалиги ҳақида кўп маълумотлар мавжуд. Ялтада мавсумий истиқомат қилиб, Абдулаҳадхон дарҳол шаҳарнинг ижтимоий ҳаётига қизиқиш билдирган: "Ялта гимназияларининг кам таъминланган ўқувчиларига ёрдам бериш жамияти"га ҳомийлик қилган ҳамда "Жанубий қирғоқдаги камбағал татарларга ёрдам жамиятига" ҳар йили пул ажратиб турган. Бундан ташқари, 1910-йилда у ўз маблағидан беморлар учун шаҳарда бепул шифохона қурдиртирган. Бу, шаҳарга жуда қимматбаҳо совға бўлиб, икки қаватли катта бинода лабораториялар, ходимлар учун хоналар, жарроҳлик ва гинекология хоналари, жами бўлиб қабул юз кишига мўлжалланган эди [12]. Буларнинг барчаси амирнинг хурматини шаҳарда ошишига сабаб бўлган, шаҳар аҳолиси амирга фахрли фуқаро унвонини ва шаҳардаги кўчалардан бирига унинг номини беришган.

Амир Абдулаҳад нафақат Кримда, балки Санкт-Петербургда ҳам қилган хайриялари орқали катта хурматга

ТАРИХ

сазовор бўлган. Империя пойтахтида мусулмонлар учун ярим миллион рубл сарф-харажат қилиб, ҳашаматли ва муҳташам масжид қурдирган [12] ҳамда 1898-йилда Петербургдаги "Аёллар тиббиёт институти"га 4000 рубл ҳадя қилган [13]. 1904-йилда Кавказда яшовчи қозоқлар учун ўз ҳисобидан 30 минг, ўғли ҳисобидан 10 минг рубл миқдорида маблағ, 1904-йилда Узоқ Шарқ билан урушда мажруҳ бўлганлар оиласига 100 минг рубл (валиаҳд номидан 10 минг рубл) ажратган [3,50-51]. Шунингдек, 1905-йил рус-япон уруши даврида Абдулаҳадхон "Бухоро амири" деб номланган ҳарбий кемани қуриш учун бир миллион олтин рубл ҳадя қилган. Ушбу кеманинг келажаги шов-шувли, аммо қисқа муддатли бўлган: инқилоб пайтида экипаж большевиклар томонига ўтиб, кейин Каспийга қарши курашган (уша вақтга келиб, у "Яков Свердлов" номига ўзгартирилган) ва 1925-йилда у йўқ қилинган (металл учун кесиб юборилган) [12]. 1908-йилдаги "Таржимон" газетасида ёзилишича, Бухоро амири газетани ўқиган ва 25 йил давомида газетага 4300 рубл хайрия қилгани ҳақида мақола чоп этилган[14, Б.171]. Бухоро ва унга яқин ҳудудларда вабога ўхшаган касаллик пайдо бўлган кезларда амир касалликка Қарши шаҳрида чалинган эди. Қаршидан уни Бухорга олиб келишади, табиблар ҳам, кучли шифокорлар ҳам унинг ҳаётини саклаб қолиша олмаган ва ўн беш кундан сўнг хасталик туфайли Амир Абдулаҳадхон вафот этган[6, Б.112]. Сўнг 1910 - 1920-йиллар давомида Амир Абдулаҳадхоннинг ўғли Амир Сайд Олимхон Бухоро амирлигида ҳукмронлик қилган[15, Б.263]. У ҳам ўз ҳукмронлиги йилларида бир қатор ҳомийлик ишларига кўл урган. Жумладан, амир Олимхон 1911-йил февралда "Қизил Хоч" жамиятига 100 минг рубл, Еттисувда содир бўлган зилзила сабабли талафот кўрган оилаларга 25 минг рубл, шунингдек, "Тошкент аёллар гимназияси"га ҳамда шаҳарда таълим олаётган кам таъминланган болаларга 3000 рублдан [16], март ойида амир рус аҳолиси учун мўлжалланган касалхонага 400 рубл, "Қизил Хоч" жамиятига 100 минг рубл, чигирткага қарши курашиш учун 64

минг рубл миқдорда хайрия маблағларини ажратган [17].

Барчамизга маълум, Туркистонда жадидлар томонидан турли хил хайрия жамиятлари ташкил этилган, уларнинг кўпида таълим сифатини такомиллаштириш устувор вазифа этиб белгиланган эди. Бундан ташқари, рустузем мактаблари ҳам очилиб аҳолига ўз таъсирини ўтказишни бошлаган. Буларнинг олдини олиш ниятида, бизнингча, амир Бухорода ҳам 1911-йил мактаблар ҳақида янгидан маълумот олиб, фармон чиқаради, унга кўра: муаллим олим, хушхат ва хушқироат бўлиши, мактабларнинг вақфларидан ташқари муаллимларга давлат хазинасидан йиллик 120 рубл тайинлаш, болалардан пул олмаслик, мактабларга бир нозир тайинлаш, нозир ҳар ой тафтиш қилиб амирга ҳисбот бериши лозим эди [18,188]. Бу эса, бизнингча, Бухорода таълим сифатини оширишга ёрдам берган. Шунингдек, 1912 йили Бухоро амири 37 нафар татар талабалари учун 1000 рубл хайрия қилган [3,51].

Бухоро амири "Петербург охундлари" жамиятига ҳадя қилгани [14,202] ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. 1914-йил Олимхон Биринчи жаҳон уруши (1914-1918)да ярадор рус аскарлари фойдасига 1 млн. рубл хайр-эҳсон қилган [19] ва 1916-йил Бухоро амирининг уруш фойдасига қилган хайриялари эвазига генерал-лейтенант унвони берилган ва императорнинг генерал адъютанти этиб тайинланган [14, Б. 229]. Кейинги йиллардаги воқеалар амирнинг хайрия ва ҳомийлик ишлари бироз пасайганлигини кўрсатар эди. XX аср бошларида Россия империясидаги сиёсий ўзгаришлар Бухоронинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига ҳам ўзининг таъсирини ўтказди. 1917-йил феврал инқилоби ва Муваққат ҳукумат фаолияти, сўнгра 1917-йил октябр давлат тўнтириши натижасида ҳокимият тепасига келган большевикларнинг [3, Б. 78] сиёсати Бухорага ҳам ўз таъсирини кўрсатди ва 1920 - йилда Бухоро амирлиги тутатилди, амир Олимхон эса шаҳар обидалари ва аҳолини омон сақлаш мақсадида пойтахт - Бухоро шаҳрини ташлаб, чиқиб кетган [20,131].

Шундай қилиб, 1920-йил 2-сентябрда Бухорода амирлик тузуми қизил аскарлар томонидан қуролли куч билан ағдариб ташланган [20,131]. Шунинг билан Бухоро амирлигига ҳукмронлик қилган Манғитлар сулоласи ва амирлик таркибидаги 27 та вилоят ва Бухоро шаҳри атрофидаги 11 та туманни ҳам қизил армия аскарлари бирин-кетин эгаллади ва бу билан Бухоро амирлиги тугатилади ва унинг худудида кейинчалик Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси ташкил этилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, мазкур мақола орқали Бухоро амирларининг хайрия ва ҳомийлик каби инсоний фазилатларга қай даражада эътибор қаратгани ва уларнинг сиёсатида хайрия ва ҳомийлик феномени устувор

вазифалардан бири бўлганини илмий-назарий таҳлил қилишга ҳаракат қилинди. Амирлик ҳудудлари Россия империяси томонидан босиб олинишига қарамай, амирлар томонидан филантропия ва меценатлик масалаларида ҳам тадрижий ўзгаришлар юз берганига амин бўлдик, бу, айниқса, Амир Абдулаҳадхон даврида ўз чўққисига чиққани маълум бўлди. Шунингдек, Бухоро амирларининг хайрия ва ҳомийлик феномени ва уларнинг филантропия масалаларига оид ишлари республикамизда кам тадқиқ этилган мавзулардан бири эканлиги аниқланди ва бу борада бажарилиши керак бўлган бир қатор вазифалар муаллиф томонидан белгиланди.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришининг мустаҳкам пойдевори. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъруза. 2017 йил 7 декабр. – Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2018.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2017.
3. Абдуллаев Д. Ўзбекистонда хайрия ва ҳомийликнинг ривожланиш тарихи. –Т.: "Инновация-зиё" 2019.
4. Аликулов Х. ва бошқалар. Ҳомийлик ва саховат – энг олий қадрият. – Т.: И.М.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006.
5. Муртазаева Р. Ўзбекистон тарихи. –Т.: Янги аср авлоди, 2003.
6. Ахмад Дониш. История Мангитской династии. Перевод, предисловие и примечание И.А.Наджафовой. Душанбе, 1967.
7. Таржимон. № 47, 31.12.1884.
8. Таржимон. № 8, 28.02.1885.
9. Таржимон. Бухоро. № 16, 11.11.1885.
10. Таржимон. Ионаи Абдулаҳадхон. № 4, 31.01.1892.
11. Таржимон. Амир – ҳомийи мактаби фунун. № 34, 10.09.1895.
12. Недвецкий А.Г. Правители Бухары. <https://greylib.align.ru/410/a-g-nedveckij-praviteli-buxary.html>.
13. ЎзР МДА, I – 2 фонд, 1 – рўйхат, 43 – йиғма жилд, 3-варап.
14. Абдирашидов З. "Таржимон" (1883 – 1917) газетасидаги Туркистон материалларининг изоҳли библиографияси. 2011.
15. Эргашев Қ., Ҳамидов Ҳ. Ўзбекистон тарихи. -Т., 2018.
16. "Правительственный вестник". (Санкт-Петербург), 2,5,8 февраля 1911 г.
17. "Туркестанские ведомости". 27 февраля, 1 марта, 1911.
18. Вақт. Бухоро. 18.03.1911, № 12; Абдирашидов З. "Таржимон" (1883 – 1917) газетасидаги Туркистон материалларининг изоҳли библиографияси. 2011.
19. Бухоро амирининг хадяси // "Таржимон". -1914. - № 230.
20. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Биринчи китоб 1917-1939 йй. –Т.: Ўзбекистон, 2003.

(Тақризчи: Б.Усманов – тарих фанлари доктори)